

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Ўзбекистон Миллий университети

М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг

Тошкент шаҳридаги филиали

Тошкент давлат шарқшунослик университети

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРИ

мавзусидаги халқаро илмий-амалий
конференция материаллари



2022 йил 5 май

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
М.В.ЛОМОНОСОВ НОМИДАГИ МОСКВА ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

«УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРИ»
мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари

Материалы международной научно-практической
конференции на тему:
«СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ
СТАНОВЛЕНИЯ ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА»

“SOCIO-ECONOMIC PROBLEMS OF THE THIRD RENAISSANCE
FORMATION”
The International Scientific and Practical Conference Proceedings

2022 йил 05 май

Тошкент – 2022

новые возможности, могут потерять свою конкурентоспособность и долю на рынке. Местным отелям необходимо быть более гибкими и активными в оптимизации и улучшении бизнес-процессов, в том числе с использованием возможностей цифровых платформ.

Список использованной литературы

1. Официальный веб-сайт законодательной базы Республики Узбекистан. Режим доступа: <https://lex.uz/docs/5031048>.
2. Creating the Coveted Hotel Guest Experience. An Oracle Hospitality-Phocuswright Study // Oracle hospitality. – 2017. Режим доступа: https://www.oracle.com/webfolder/s/delivery_production/docs/FY16h1/doc35/Guest-Experience-Report-2016-V7.pdf
3. Бруссе Э., Пенард Т. The economics of digital business models: A framework for analyzing the economics of platforms // Review of network Economics, 6(2). – 2007. С. 81-114.
4. Рёвер М., Соренсен С., и Базоль Р. The digital platform: a research agenda // Journal of Information Technology, 33(2). – 2018. С. 124-135.
5. Глобальная консалтинговая фирма Bain & Company. Digital Transformation: A Roadmap. – 2018. Режим доступа: <http://www2.bain.com/infographics/digital-transformation/enablers.asp>
6. Фриберг М. In the Hotel Room of the Future, Technology Will Simplify Things. – 2018. Режим доступа: <https://www.hospitalitynet.org/opinion/4087792.html>
7. Шерешева М., Полянская Е., Матвеев Н. The Russian hospitality market: what is the basis for success in a challenging environment? Worldwide Hospitality and Tourism Themes, 8(3). – 2018. С. 310-326.

*Шерали ЖўРАЕВ,
Бухоро давлат музей-қўриқхонаси илмий ходими*

БУХОРО СУВ ТАЪМИНОТИ ТАРИХИ МУЗЕЙИ

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси 100 йиллигига бағишланади

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси 1922 йил 8 ноябрда ташкил қилинган. Музей ташкил қилинган вақтда унинг экспозиция майдони кичик, экспонатлари кам сонли эди. Ўзининг 100 йиллик тарихи давомида Бухоро давлат музей-қўриқхонаси 135 мингдан зиёд экспонатлардан иборат катта фондга эга бўлди. 1990 йилга қадар музейнинг бўлим ва филиаллари қаторида Арк ўлкашунослик музейи, Ситораи Мохи-Хосса халқ амалий санъат музейи, Бухоро тасвирий санъат музейи, Абу Али ибн Сино мемориал музейи ва бошқалар мавжуд эди. Мустақиллик шарофати билан музей-қўриқхона таркибан кенгайиб борди ва унинг қаторига Бухоролик бой савдогар уй-музейи, Гидамлар музейи ва Бухоро сув таъминоти тарихи музейи ҳам қўшилди.

Бухоро кўхна тарихий обидаларга бой, шарқнинг муҳим стратегик шаҳарларидан бири бўлиб, мустақилликдан сўнг меъморий иншоотларнинг сақланиш ҳолатини яхшилаш мақсадида улардан фойдаланишни соддалаштириш методи ишлаб чиқилди. Худди шу сабабдан уларни музейлаштириш чора-

тадбирлари кўрила бошланди. Шу хусусда Бухоронинг тарихий қисмида, Регистон майдонидан гарбда жойлашган XII-XVI асрларнинг меъморчилик обидаси Чашмаи Аюб макбарасида Ўзбекистон бўйича ягона саналган “Бухоро сув таъминоти тарихи” музейи ташкил қилинди.³⁸⁰ Музейнинг очилиш маросими 1991 йилга тўғри келади.³⁸¹ Дастлаб ташкил қилинган музей алоҳида филиал мақомига эга бўлмай, Табиат бўлимининг доимий кўрғазмаси сифатида фаолият юрита бошлайди.³⁸²

Музей биноси жойлашган Чашмаи Аюб макбараси бевосита Бухоронинг сув таъминоти билан бевосита боғлиқ иншоот саналиб, бу иншоотнинг ички қисмида булок мавжуд. Мазкур чашма, унинг хусусияти ҳақидаги маълумотлар тадқиқотчилар ижодида ҳам ўз аксини топган.³⁸³

1992-93 йилларда “Бухоро сув таъминоти тарихи” музейида вақтинчалик кўрғазма ташкил қилинади. Бу кўрғазмада кўлёзма китоблар ҳам намойиш қилинган бўлиб³⁸⁴, улар орасида кейинчалик Арк вилоят ўлкашунослик музейида ташкил қилинган кўрғазма учун тақдим қилинган “Китоби Муллазода” асарининг кўлёзма нусхаси ҳам мавжуд эди.³⁸⁵ Мазкур китоб Бухоронинг қадимги тарихий қадамжолари, тарихий шахслар – авлиёлар ҳақида жуда кўп ишончли манбаларни тақдим этади.

Мазкур музей томошабинларга Бухоронинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи, шаҳарнинг сугориш иншоотлари ва унинг тарихи, Бухорода авж олган ришта кассалиги ва уни даволаш усуллари, ирригация тармогининг ривожланиши, сув-насос станцияларининг пайдо бўлиш тарихи сингари кизикарли маълумотларни бера олади.³⁸⁶

Бухоро сув таъминоти тарихи музейи ўзининг йўналиши бўйича республика миқёсида кам сонли музейлардан бири саналади. Музей экспозициясида асосан Бухоронинг сугорилиш тарихи, сув таъминоти билан боғлиқ жиҳатлар, сув иншоотлари ва шу соҳада керак бўлган буюмларни ўзида намоён этади.

Музей экспозициясида Бухоро сув таъминоти тарихи 5 та босқичда ёритиб берилди:

1. XIX аср охири XX аср бошида Бухоро сув таъминоти тарихи;
2. 1925-1945 йиллар Бухорода ирригация ва мелиорация ишлари;
3. 2-жаҳон урушидан кейинги йиллар Бухорода ирригация ва мелиорация ишлари, сув таъминотидаги ўзгаришлар;
4. Мустақиллик йилларида Бухорода сув таъминоти;
5. Орол фожиаси.

Чашмаи Аюб макбарасининг ички интерьеридан ўрин олган муқаддас булок

³⁸⁰ Джураев Ш. Из истории Бухарского государственного музея-заповедника. Создание музеев и выставок. // Культура и взаимодействие народов в музейных, научных и образовательных процессах - важнейшие факторы стабильного развития стран Евразии. Омск. 21-24.09.2021. С. 67-73.

³⁸¹ Альмеев Р.В. Из истории Бухарского государственного музея-заповедника // Из истории культурного наследия Бухары. Выпуск №6. – Бухара: Обл. типография, 1998 г. С. 3-20.

³⁸² Хабибулина С.М. История снабжени Бухары. // Из истории культурного наследия Бухары. Выпуск №3. – Бухара. 1994 г. С. 54.

³⁸³ Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодалного города Бухары. – М., 1976. С. 134-136.

³⁸⁴ Акт №10 24.04.1993 г. Внутримузеевой передачи Бухарского государственного музея-заповедника.

³⁸⁵ Тураев Х., Джураев Ш. Выставочный показ и пропаганда рукописей из собрания Бухарского музея-заповедника. // Бухоро давлат университети “Тафаккур ва талкин” илмий маколалар тўплами. Бухоро. Май. 2020. Б. 536-540.

³⁸⁶ Хабибулина С.М. История снабжени Бухары. // Из истории культурного наследия Бухары. Выпуск №3. – Бухара. -1994 г. С. 54

суви, унинг юкорисидаги мрамор ва ёгоч лавҳада ёзилган эпитафик матнлар кишида қизиқиш уйғотади. Ёгоч тахтадаги 19 қатордан иборат бўлган ёзув³⁸⁷ асосан Бухорода мазкур булок – чашманинг пайдо бўлиши, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот бериб, пайгамбар Аюб (а.с.)нинг каромати, Бухоро заминидаги иншоот ҳам эслатиб ўтилади. Мазкур эпитафик ёзувдан олинган маълумотлар асоида музейга ташриф буюрган маҳаллий ва хорижий сайёҳларга тушунтириш ишлари олиб борилади.

“Бухоро сув таъминоти тарихи” музейи, ўз навбатида, юртимизда сўнги йилларда кенг ривожланаётган зиёрат туризмиди ривожлантиришда ҳам бевосита ўзининг салмоқли таъсирига эга бўлган маскан саналади. Мазкур зиёратгоҳга ташриф буюрган сайёҳлар албатта макбаранинг тарихи билан танишиш баробарида музей экспозициясининг диққатга сазовор экспонатларини ҳам томоша қилиш имкониятига эга бўладилар.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан “Бухоро сув таъминоти тарихи” музейи экспонатлар билан бойитилган экспозиция янгилади. Иншоотнинг биринчи хонасида ўзига хос экспозиция ташкил қилинган бўлиб, ўнг томонда Бухоронинг асосий сув таъминоти бўлган ҳовуз – сув иншооти тасвирланган, чап томонда эса XX аср бошларида фотокадрларга муҳрланган фотосурат мавжуд. Экспозициянинг бу қисмида сув сақлаш учун мўлжалланган хумлар, турли хил кўринишдаги идишлар, сархуми, челақ ва қувурлар – музей-кўриқхонанинг асл экспонатлари намойиш этилган. Иккинчи экспозициянинг иккинчи қисми ўтиш йўлагиди Бухородаги ҳаммомлар жойлашган харита осилган. Ўрта Осиёда, жумладан Бухоро шаҳрида ҳам бундай иншоотлар жамоат бинолари – бозор, масжид сингари бинолар олдида барпо этилган бўлиб, шарқ ҳаммомлари ўзининг шифобахшлилик хусусияти билан ажралиб турган.

Музейнинг навбатдаги хонаси ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Кираверишда ўнг қўлда коса ва пиёла гилофлари териб қўйилган, улар чарм халтачалар кўринишига эга бўлиб, чинни идишларнинг синмаслигини ва уларга зарар етмаслигини таъминлаган. Бундай буюмлардан ўз вақтида нафақат мешкоблар, балки аскарлар ҳам фойдаланишган. Ундан кейинги деворий суратларда Орол фожияси акс этган бўлса, навбатдаги қисмда Бухорода ирригациянинг ривожланиш схемаси кўрсатилган. Хона марказида эса сув чигири – чархпалак макети мавжуд, унинг рўпрасида сув сақлаш учун мўлжалланган махсус иншоот сардоба ўрин эгаллаган. У сувни салқин ва тоза сақланишига ёрдам берган. Шунингдек, мазкур иншоотнинг умумий кўриниши фотосуратларда ам ифодаланган.

XX аср бошларида Бухорода пайдо бўлган “ришта” – тери ости қурти касаллиги ва унинг давоси ҳақидаги маълумотлар музейга ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Мазкур касаллик натижасида Бухородаги кўплаб ҳовузлар кўмиб юборилган ва бунинг ўрнида Бухоро заминида Шухов (Владимир Григорьевич – 1853-1939 йй.) минораси қад ростлайди. Ушбу миноранинг инженери сифатида А.Ф.Иванов тайинланган.³⁸⁸ Музейнинг деворий суратларида сув минорасининг қурилиш жараёни, унинг XX асрдаги умумий кўриниши сингари фотосуратлар ўрин олган. Мазкур иншоот тўлиқ ҳолатда бўлмаса ҳам Арк

³⁸⁷ Архитектурная эпитафика Узбекистана: Бухара. Ташкент: «Uzbekistan Today», 2016. – 296 с.

³⁸⁸ Хабибулина С.М. История снабжени Бухары. // Из истории культурного наследия Бухары. Выпуск №3. – Бухара. 1994 г. С. 56.

кальасининг рўпарасида (30 метрли томоша майдончаси сифатида) сакланиб қолмоқда.

Худди шу хонада муқаддас булок – чашма мавжуд бўлиб, сайёҳлар ундан баҳраманд бўлиш имкониятига эгадирлар. Булок доимий равишда махсус ташкилотлар томонидан текширилиб, назорат қилиб турилади. Чашма кудук кўринишида бўлиб, устки қисми хавфсизлик нуқтаи назаридан ёғоч сарпўш билан ёпиб қўйилган. Ундан кейинги хонада эса мақбаранинг гўрхонаси мавжуд бўлиб, айрим маълумотларга қараганда бу ерда Ғунжорий дафн қилинган. Қабрнинг тепасида ёғочдан ишланган махсус мослама – туг ўрнатилган.

Хулоса қилиб айтганда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида ўзининг ноёблиги билан ажралиб турувчи “Бухоро сув таъминоти тарихи” музейи ўзининг фаолияти давомида ҳар йили бир неча ўн минглаб сайёҳларга хизмат кўрсата олади. Ўсиб келаётган ёш авлодни ўз она ватани тарихига муҳаббат руҳида тарбиялашда мазкур музей экспозициясининг роли айниқса юқоридир, зеро ота-боболаримиз сувни қандай асраганлари ва унга қандай муносабатда бўлганларини ёш авлод маънавиятига сингдириш ҳозирги куннинг муҳим ва устувор вазифаларидан биридир.

*Ахаджон ҒАНИЕВ, илмий ходим,
Нигина СУЛТОНОВА, илмий ходим,
Бухоро давлат музей қўриқхонаси*

МУЗЕЙЛАР- МАМЛАКАТ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИ

Қадимдан Ўрта Осиёнинг дурдона шаҳри саналмиш Бухоро шарқ ва гарбни боғловчи савдо йўллари чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу савдодаги асосий буюмлардан бири шубҳасиз, қарвон йўлининг номига бевосита алоқадор бўлмиш ипак матолар саналган. Ўрта Осиёга ислом дини кириб келгунга қадар Бухорода зардуштийлик–оташпарастлик, яъни оловга топинувчилар дини кенг тарқалган. Буни воҳа бўйлаб топилган археологик топилмалар ҳам тасдиқлайди. Маълумки, Ўрта Осиёда шу вақтда Варахша, Афросиёб, Болаликтепа сингари саройлар деворини улкан ҳажмдаги деворий тасвирлар беазаган.

Ўрта асрларда Бухоро Мовароуннахрнинг йирик савдо-сотик, ҳунармандчилик ва маъмурий марказларидан бири бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини Ҳиндистон ва Хитой билан боғлаган қадимий халқаро савдо йўли- «Буюк ипак йўли» ана шу шаҳар орқали ўтган.

Бухоро ўтмиши гарчи тарихий ва тадрижий воқеаларга илҳоятда бой ва қизиқарли бўлса-да, аммо унинг зарварақларининг кўпгина саҳифалари бизгача тўлиқ сақланмаган. Айниқса шаҳарининг узок ўтмиши ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда қисмаи учрайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний кадрлар руҳида тарбиялаш биз учун

хос хусусиятлари.	
<i>Аширова Э.</i> Цифровизация в гостиничной индустрии	432
<i>Жўраев Ш.</i> Бухоро сув таъминоти тарихи музейи.	438
<i>Ғаниев А., Султонова Н.</i> Музейлар – мамлакат маънавий ҳаётини ривожлантириш асоси.	441
<i>Ахмаджонова Ё., Ахмаджонова У.</i> Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унинг атрофида туризмни ривожлантириш истиқболлари.	443
<i>Abdulazizova N.</i> Raqamli transformatsiya turizm sohasini rivojlantirishning katalizatori sifatida (Yaponiya tajribasi)	446
<i>Chilmurzaeva M.</i> Mechanisms for Increasing the Efficiency of the Tourism Industry in the Formation of the Third Renaissance.	448
<i>Абдурасулов Ж.</i> Туризм соҳаси самарадорлигини ошириш механизмлари.	450
<i>Абдулазимов К.</i> Глобал иқтисодий инновацион ўзгаришлар шароитида зиёрат туризмнинг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари.	454
<i>Хусанов З.</i> Бирлашган Араб Амирликларининг туризм соҳасидаги тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари.	455
<i>Suvanov O.</i> O‘zbekiston jahon iqtisodiyotiga integratsiyalashuvida “Ziyarah tourism” brendini shakllantirish va marketing konsepsiyasini amalga oshirish yo‘llari.	458

V ШҶЪБА

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

<i>Ҳашимов П., Хушвақтова Ҳ.</i> Инсон капиталига инвестициялар ишчи кучи сифатини оширишнинг муҳим омили.	461
<i>Нурматов Д.</i> Зарубежный опыт подготовки специалистов по социальной работе.	464
<i>Хидиров С.</i> Хорижий давлатларнинг олий таълим тизимидаги моделлар: киёсий-социологик таҳлил.	467
<i>Тургунова А.</i> Геронтопедагогика мактаби – учинчи ренессанс пойдеворини яратиш учун асос.	470
<i>Дусанов С.</i> Олий таълим тизимини молиялаштириш моделлари.	474
<i>Собитова Р.</i> Саноатни маҳаллийлаштириш негизида янги иш ўринларини яратиш имкониятлари.	477
<i>Yakubova Yu.</i> Impact of Values and Well-being on Great Resignation of Intellectual Workers. Understanding the Phenomena of Great Resignation and Its Relation to the Socio-economic Issues	479
<i>Исроилова Х.</i> Учинчи ренессансни шакллантиришда талабалар иқтисодий саводхонлигини оширишда хориж технологиялардан фойдаланиш	481
<i>Рахманов М.</i> Своевременные инвестиции в человеческий капитал – залог достижений и прогресса.	483
<i>Raxitova D.</i> Forsayt-innovatsion pedagogik texnologiya sifatida.	487
<i>Алимов А., Абдушахидов Н.</i> Ўзбекистон сув таъминоти тизимида юкори малакали кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари.	491
<i>Абдусаматова Н.</i> Агробизнесда аёл фермерларининг ўрни.	494
<i>Бахадирова З., Ниёзова Л.</i> Учинчи ренессансни шакллантириш шароитида малакали кадрларнинг жамиятда тутган ўрни.	497

«УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРИ»

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция
материаллари

Саҳифаловчи: Ўктам Жиянов
Мухаррир: Аъзамхон Абдурахмонов
Дизаёнер-рассом: Аскар Якубжонов

Нашриёт лицензия рақами № АИ 274. 15.07.2015 да берилган.

30.04.2022 да босишга рухсат этилди. Қогоз бичими 60x84^{1/16}.
«Times New Roman» гарнитураси, кегли 10,5. 7,25 шартли босма табоқ.
Адади 30. Баҳоси шартнома асосида.

«Im-Ziyo-Zakovat» нашриёти,
111302, Тошкент шаҳри, Шайхотохур тумани,
А.Қодирий кўчаси 78-уй

«Book media plus» босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй.